

80 ёшли аёл болаларга Қуръони каримни ўргатиб келмоқда



10:30 / 02.08.2019 2089

Хассина Мисрнинг шимолий-шарқий Дакалия губернаторлигининг Дикирнис шаҳри яқинидаги Кафр Абдул Мўмин номли қишлоқда яшайди. Бу ҳақда iqna хабар беради.

У болалигидан кўриш қобилиятини йўқотди. Аммо бу ҳолат унинг учун Қуръонни ёд олишга тўсқинлик қилмади

«Мен ўн ёшимда Қуръони каримни ўргандим», дейди у. — Устозимнинг исми Аҳмад ал-Дамхужи эди. У ўлимидан олдин мени Қуръон маркази очишга ундади.

80 ёшли аёл ҳозиргача болаларга Қуръони каримни ўргатиб келмоқда. Бугунги кунгача Хассина 50 дан ортиқ қишлоқ аҳолисига Қуръонни ёд

олишига сабабчи бўлган. Унинг ўзи ҳар куни Қуръон оятларини унутмаслик учун бир кунда 6 жуз Аллоҳнинг каломини ўқийди. Қуръонда жами 30 та жуз борлиги сабабли, у ҳар беш кунда бир марта Қуръонни хатм қилади.

Islom.uz портали таҳририяти